



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Шаҳина Жўраева*

ЎзДЖТУ таянч докторанти

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экологик хавфсизлик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, минтақавий ва халқаро ташкилотлар минбарларидан табиий муҳит, Орол, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, глобал муаммо ва умумпланетар моҳият касб этаётгани таъкидлаб келинмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “атроф-муҳитга, аҳоли соғлигига ва генофондига зарар етказиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг олдини олиш” масаласи илгари сурилган. 2019 йили экологик сиёсат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тўпланган тажрибалар асосида Ўзбекистон экологик ҳаракати тугатилиб, Ўзбекистон экологик партияси ташкил этилди. “Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик умумхалқ ҳаракатининг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамланишига хизмат қилади”. Айни шу жиҳатдан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг қайта ташкил этилганлиги ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да айниқса, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди. Бу 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да давом эттирилмоқда. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати концепциясидан келиб чиқиб, Президент Ш.Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида экологик муаммонинг умумпланетар ва минтақавий масалаларини бутун моҳияти билан таҳлил қилди. Хусусан, Марказий Осиёда энг катта экологик ҳалокат сифатида Орол денгизи қуриши билан боғлиқ бўлган фожеаларга батафсил тўхталди. Бу Ўзбекистон экологик сиёсатининг ҳам маҳаллий, ҳам дунёвий аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадilar. Улар соҳага тегишли тармоқлар фаолиятини назорат қилади ва бошқаради. Табиий ресурсларни назорат этувчи органлар уларни бошқариш тизимига эга. Шунингдек, хорижий давлатлар билан экологик ҳамкорликни йўлга қўйиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида четдан инвестициялар олиб кириш, хорижий давлатларнинг экологияга доир тажрибаларни ўрганиб бориш вазифасини бажарадилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд партияларнинг ҳаракат дастурларида экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазифалари қатъий белгиланган. Масалан, “Адолат” социал-



демократик партиясининг сайловолди платформасида экология ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, унда “Адолат” СДП экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Жумладан, барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ бўлган фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш боқимандаликка олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Партия дастури ва сиёсий платформасига кўра атроф-муҳит муаммоси ҳар бир фуқаронинг муаммосига айланмоғи лозим. Партия электорати, хусусан, фаоллари кенг жамоатчиликнинг умумий сафарбарлигини ташкил қилиши керак. У шаклланиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсий куч сифатида ўзини намоён этиши зарур.

Адолат социал-демократик партияси дастурида партия Ўзбекистон Экологик партияси билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиши белгиланган. Партия иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очик ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Барча партиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, биохилма-хилликни сақлаш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ишларини ўз партияларининг сиёсий позицияси, манфаати ва ғоялари билан боғлаб, экологик муносабатларини давлат сиёсати даражасига кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида экологик тафаккурни шакллантириш, табиатга муҳаббат кўникмаларини ривожлантириш, хусусан, совет мафқурасидаги “Табиатдаги барча нарсалар биз учун хизмат қилади”, “Инсон табиатдан устун!” деган шиорларни “Она табиат бизнинг умумий уйимиз”, “Табиат бу – Биз” деган шиорга айлантирилди. Табиатга бундай муносабат Ўзбекистон мустақиллиги даврида дунёга келди. Совет тоталитаризми шароитида антропоцентрик ёндашув, яъни одам ўз мақсадлари учун табиатни бўйсундиришга интилган. Эндиликда эоцентрик ёндашув устун қўйилмоқда, яъни инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги ва унга ҳамоҳанг деб ҳисобламоқда. Бу янгиланаётган Ўзбекистон жамиятида тафаккурдаги жиддий инқилоб ҳисобланади.

“Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди. Фармонга кўра, мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси деб номланиб, қайта ташкил этилди. Унинг тизими такомиллаштирилди ҳамда ваколатлари кенгайтирилди. Экология ва атроф-муҳитни асрашда давлат бошқарувининг ташкилий ва амалий имкониятлари янада чуқурлаштирилди. Соҳага оид расмий ташкилот ва муассасалар мажбурияти аниқ белгилаб берилди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси



фаолиятининг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгиланди:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви; атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш; чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш, улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш; экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари ва шаҳарларда ҳамда барча туманларда ҳокимликлар ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари негизида уларнинг филиаллари ташкил этилди.

Экологик билим ва тушунчалар ҳар бир инсонга фақатгина унинг турмуш тарзи яхшиланиши учун эмас, балки табиат билан ҳамоҳанг бўлиши учун ҳам керак. Экологик маълумотга эга ҳар бир фуқаро ўзини табиатнинг бир бўлаги деб билади. Экологик қоида ва қонунларни узлуксиз экологик тарбия, маълумот ва экологик маданият билан қўшиб олиб борилса, атроф-муҳитдаги экологик тизим қонунлари бузилмайди. Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш бутун омманинг иши эканлигини, экологик маданият ва барқарор ривожланиш доимо, қайси соҳа бўлишидан қатъий назар, амалда бўлиши таъминланади. Бу нафақат Ўзбекистон халқи, балки, бутун инсоният олдигаги муҳим вазифа. Глобал экологик таҳдид тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ҳар бир киши ўзини асраш орқали оламни, яхлит табиатни асраши керак. Акс ҳолда инсоният



хаёти катта хавф остида қолмоқда.

Инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитнинг мувофиқлигини сақлаб қолиш, унинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиат муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, кимёвий ва бошқа оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш пойгасининг авж олиши, уларни сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавф. Инсон ва табиат, одам ва оламга бундай таҳдиднинг олдини олиш умумпланетар тақдири билан боғлиқ ҳодисага айланди.

Давлатнинг экологик хавфсизлик сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланишга оид қонунчилик ҳамда Йоханнесбург Декларациялари ва Париж қонференцияси тамойиллари асосида олиб борилиб, ижтимоий ва экологик йўналтирилган бозор иқтисодиёти орқали ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Демак Ўзбекистонда жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги, мақсадли саъйи ҳаракатларининг умуммиллий тараққиётга, соғлом ижтимоий ҳаётни барқарорлаштиришга қаратилган ҳодиса.

Маълумки, Ўзбекистонга собиқ совет тузумидан маънавий эскирган ва атроф-муҳитни кучли ифлослантирувчи саноат технологиялари мерос бўлиб қолган. Бундай шароитда нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маиший турмушни ҳам мумкин қадар «экологиялаштириш» ва табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан уйғунлаштириш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда саноат экологияси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган самарали тадбирлар туфайли табиатга кўрсатилаётган антропоген таъсирлар даражаси анча камайди. Бироқ истиқболда Ўзбекистон ҳудудида куйидаги экологик муаммолар ўз ечимини кутмоқда:

- Орол денгизининг қуриши туфайли келиб чиқан экологик вазият;
- флора ва фаунанинг деградацияси туфайли вужудга келган тупроқ ва сув ресурслари сифатининг қониқарсизлиги;
- тупроқ, сув, биологик ресурслар ва атмосфера ҳавоси сифатига антропоген, айниқса, саноат ишлаб чиқариши салбий таъсирини бутун чоралар билан камайтириш;
- саноат ва маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта
- ишлаш тизимининг қониқарсизлиги;
- атроф-муҳит ҳолати, уни ифлослантириш манбалари тўғрисидаги ахборот мониторингининг техник ва методик таъминоти ривожланмаганлиги ва шу қабилар.

Ўзбекистоннинг бугунги экологик сиёсати табиатнинг алоҳида таркибий қисмлари ҳисобланадиган ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилишдан тортиб мамлакат ҳудудида турли даражадаги экологик мажмуаларни бир бутун, умумий ҳимоялашга, инсон яшайдиган атроф-муҳитнинг тозаллигини кафолатлашга йўналтирилган.

Инсон саломатлиги нуқтаи назаридан атроф-муҳит таркибини яхшилаш ва экологик мажмуаларни барқарорлаштириш Ўзбекистон экологик сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, Орол бўйидаги оғир экологик вазият маҳаллий сув



хавзаларини реконструкция қилиш, ичимлик суви ўтказгичларини қуриш йўли билан яхшиланмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида атмосфера хавосининг ифлосланиши 1,95 баробар, оқова сувларнинг ифлосланиши 2,0 баробар камайган. Қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш кейинги 5 йил давомида 4 баробарга қисқарган. Экин майдонларида пахта якка ҳокимлигига барҳам берилиб, ғалла ва дуккакли, сабзавот ва полиз экин майдонлари кенгайиб бормоқда. Пахта экиладиган майдонлар анча қисқариб, жами экин майдонларининг тахминан 50 фоизини ташкил этмоқда. Айти пайтда алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар, миллий қўриқхоналар ва боғлар кенг ривожлантирилмоқда.

Ўтган йилларда давлат экологик сиёсатини амалга оширишда асосий стратегик йўналиш ҳисобланган “Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракатлар дастури” ва унга мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Худудий дастурлар асосида амалий ишлар олиб борилди. Натижада Ўзбекистон ҳудудида ифлосланган моддаларнинг атмосферага чиқарилиши 2,1 минг тоннага камайтирилди. Таркибида симоб бўлган яроқсиз электр чироқлари ва асбобларни қайта ишлаш мақсадида Навоий, Андижон ва Бухоро шаҳарларида қурилмалар тайёрланиб, ишга туширилди. Этиллаштирилган бензин ишлаб чиқариш салмоғи ошди.

Айти пайтда бевосита саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Миллий дастур, мамлакатнинг барқарор ривожланиш моделига ўтиш Миллий стратегияси, чўлланишга қарши кураш бўйича ҳаракатлар Миллий дастури, парникли газлар эмиссиясини камайтириш бўйича Миллий стратегия, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштириш Бош схемаси, экологик таълим Давлат стандарти ва экологик таълим дастури ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Инсон ва ҳайвонот ҳаёти учун хавфли бўлган пестицидларни ишлаб чиқармаслик, зарур бўлганда уларнинг хавфсизларидан фойдаланиш, ўсимликларни химоя қилишнинг самарали ва фойдали тизими биологик методларни яратиш каби тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Хусусан, мингдан ортиқ биологикалаториялар ва биофабрикаларни ўз ичига олган тизим ташкил этилди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда саноат корхоналари ва машиналар сонининг кескин кўпайгани саноат экологиясига ҳам катта эътибор бериш зарурлигини кўрсатади. Саноат экологиясини иқтисодий бурилишлар ва табиатдан фойдаланувчиларнинг молиявий сармояларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Она табиатни антропоген ва техноген омиллар таъсиридан сақлаш учун давлат томонидан ишлаб чиқилган ишчи дастурга амал қилиш лозим.

Саноат экологияси катта шаҳарларда эътиборсизлик натижасида атмосферадаги ҳаво бассейнига, тупроққа ва ичимлик сувларига катта зарар етказиши мумкин.

Экология ҳозирги кунда маълум ҳудуд ёки республика миқёсидан чиқиб, умумбашарий муаммога айланган. Биз буни қуйидаги муаммоларда кўришимиз мумкин.

Бутун инсониятни безовта қилаётган жиддий муаммо – “озон туйнуғи” табиатни асрашда энг глобал муаммолардан биридир. Озон қатлами қалинлиги 3-5 мм ва ердан 17 км баландликда жойлашган бўлиб, одамларни қуёшдан келадиган ултрабинафша нурлардан



химоя қилади. Қуёшдан келадиган нур тўғридан-тўғри ўтиб келса, барча тирик организмларни ҳалок этади. Озон қатлами инсон учун ўта нозик ва муҳим табиий қалқон бўлиб келган. Аммо кейинги пайтда инсон яратган техноген омилларнинг ривожланиб бориши натижасида нозик қалқонда тешик пайдо бўлди. “Антропоген таъсирида атмосферага катта миқдорда фторли, хлорли газлар, фреонлар ва (NO<sub>2</sub>) азод оксидлари ташланади. Ҳозирги кунда озон тешиги Антарктиданинг кичикроқ майдонида ва Арктикада ҳосил бўлди. Шунингдек, катта шаҳарлар устидаги озон қатлами ҳам кун сайин юқлашиб бормоқда”. Бу ер устидаги ҳаётга, инсон, жонлию жонсиз борлиққа, жамики мавжудотга ўта таҳдидли муаммо.

Кислотали ёмғирларнинг ёғиши табиат инкирозининг асоси ҳисобланади. Атмосферага озон, углевод, олтингурут диоксидлари ва бошқа газлар юқори атмосферадан ёгинлар натижасида ерга қайтиб тушади. Кислотали ёмғирлар қаерда ёғмасин, ўша жойдаги тупроқни захарли моддалар билан бойитиб, унинг таркибидаги микроорганизмлар фаолиятини бузади. Ундан униб чиққан ўсимлик захарли танасида моддаларнинг бир қисми сингиб кетади. Уни истеъмол қилган инсон организмга ўтиб, оғир касалликларни келтириб чиқаради. Ҳайвонот олами ҳам худди шундай инкирозга учрайди.

Саноати ривожланган шаҳарларда атмосферанинг ифлосланиши инсонларда нафас олиш йўллари ҳамда тери касалликларини келтириб чиқармоқда. Қаерда атмосферага озон, углевод ва олтингурут диоксиди тушган бўлса, бундай ёмғирли ҳавода инсоннинг соғлиги ёмонлашади. Донли экинлар, сабзавотларнинг ҳосили истеъмол учун ярқисиз бўлиб қолади. Қишлоқ хўжалиги бу хилдаги ёмғирлардан катта зарар кўради. Шунингдек, барча турдаги металллар занглайди ёки коррозияга учрайди.

“Иссиқхона эффекти” атмосфера бузилишининг ўзига хос муаммоси бўлиб, унда, карбонат ангидрид сақловчи қалин газлар тутуни юқорига кўтарилиб, ерни ўраб олади, қуёш нурларининг очиқ космосга ўтишига тўсқинлик қилади. Натижада ерда ҳаво исиб боради ва иқлим ўзгаришига олиб келади. Кейинги маълумотларга кўра, яқин келажакда (50-60 йил) Арктика ва Антарктида музлари эриб, Тинч океани ва Атлантика океани сувлари ҳажми тахминан 50 метр баландликка кўтарилиши тахмин қилинмоқда. Океан сувларининг кўтарилиши натижасида Европа, Африка ва Австралиянинг бир қатор ҳудудларини сув босиш эҳтимоли бор. Бутун бутун шаҳарлар, саноат корхоналари сув остида қолиб кетади.

Табиатни энг кўп миқдорда ифлослайдиган воситалардан бири нефтни қайта ишлаш ва радиоактив моддаларнинг чиқиндилари ҳисобланади. Буларнинг таъсирида флора ва фауна тўғридан-тўғри нобуд бўлади.

Ер шарининг турли минтақаларида ўсимлик ўсадиган тупроқнинг ярқисиз ҳолга келиши, саҳроланиш, шўрланиш, сувсиз-қурғоқчил ҳудудларнинг кўпайиб бориши ҳамда бир неча минг тонналаб кислород етиштириб берадиган ўрмонларнинг камайиб бориши, табиий ботқоқликларни қуритиш ҳам атмосфера ҳолатининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистонда энг катта экологик фожа – Орол денгизи ҳажмининг кичрайиши ҳисобланади. Унинг ҳажми 67,5 кв.кмдан 17,6 кв.кмга кичрайди. Бир пайтлар денгизда юзлаб катта кемалар сузиб, унинг атрофида консерва заводлари ишлаган бўлса, бугунги ҳолат ғоят аянчли. Орол денгизи сатҳидан ҳавога учган туз чанглари Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидаги шўрланиш даражасини 75% га ошириб юборди. Унинг таъсири узоқ ҳудудларда ҳам сезилмоқда.

Орол бўйи ҳудудларида ичимлик сувининг ифлосланиш меъёри юқори, дарё сувлари



шўрлиги сабабли кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Етиштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркибида туз миқдори юқори. Хоразм, Қорақалпоғистонда болалар касалликлари ва ёш болаларнинг ўлими бошқа вилоятларга нисбатан юқори. Маълумотларга кўра, туғилган чақалоқлар орасида мутацияга учраганлар ҳам нисбатан кўп.

Ўзбекистон ҳудудидаги ушбу экологик муаммолар қатъий назоратга олинган. Мутасадди ташкилотлар, давлат ва нодавлат муассасалар ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият кўрсатмоқда. Ижтимоий ҳаёт тобора соғломлашиб бормоқда. Экологияни замонавий фан асосида ўрганиш тобора долзарблик касб этмоқда. Муаммонинг назарий ечимларини топиш ва илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш заруратга айланмоқда.

2022 йил, 17 ноябрь куни Европа Иттифоқи Марказий Осиёда энергетикага доир алоқалар барқарорлигига қаратилган янги лойиҳасини эълон қилди. Лойиҳага кўра минтақада барқарор энергетика балансини сақлаш, захирадаги кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш, бу борада янги, замонавий технологияларни жорий этиш дастурини ишлаб чиқди. Янги энергетик манбалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва замонавий энергия манбаларини қуриш учун лойиҳага мувофиқ 6,8 миллион евро маблағ ажратди. Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга доир янги амалий натижаларга қаратилган яшил йўл деб баҳоланмоқда.

Европалик мутахассислар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда мавжуд энергия манбаларини ва фойдаланилмай келинаётган имкониятларни чуқур ўрганишган. Бу борадаги бир қатор камчиликларни ўрганишган. Жумладан, бошқарув тизимидаги айрим нуқсонлар, молиявий, техник ва социал тўсиқлар борлигини аниқлашган. Мазкур лойиҳа мутахассислар хулосаларига кўра ушбу тўсиқларни бартараф этиш ва янги энергия манбаларини ишга тушириш, минтақада энергия самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Лойиҳани амалга ошириш 4 йилга, яъни 48 ойга мўлжалланган. Унинг мақсади Европа Иттифоқининг энг илғор тажрибаларини, технологияларини, кам ҳаражатли ва кўп самарали механизмларини ишга солишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 3 та йўналишда иш олиб борилади. Биринчиси, ҳукумат тизимида самарали фаолиятни таъминлаш, иккинчиси маҳаллий давлат органларининг янги энергия манбаларини топиш, қуриш ва фойдаланишда амалий кўмагини таъминлаш, учинчиси, давлат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ушбу масалага йўналтириш. Ана шу тарзда Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда янги энергия манбаларини ишга тушириш орқали экологик мувозанатни яхшилашга сафарбар этилади.

Энергетика тизимига жавобгар бўлган вазирликлар ва давлат органлари, турли компаниялар, энергетика тизимида ишлаётган фуқаролик институтлари вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг масъулиятини ошириш, жавобгарлик ҳиссини кучайтириш назарда тутилади.

Сиёсий, ҳуқуқий ва меъёрий асосларни яратиш орқали барқарор энергетика тизимига ўтиш чора-тадбирларини кўриш талаб этилади. Ундан кутиладиган натижа энергетика самарадорлигини ошириш ва янги энергетика манбаларини ишга тушириш жараёнида фуқаролар ижтимоий фаоллигини таъминлаш, уларнинг жавобгарлик ҳисси ва энергиядан фойдаланиш маданиятини ошириш, гендер-инклюзив сиёсатни ишлаб чиқиш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратишдан иборат. Шунингдек, энергия самарадорлигини ошириш ва янги энергия манбаларини ишга тушириш авзалликлари ва имкониятларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳолига тарқатиладиган маълумотлар, ахборотлар ва янгиликларни ўз вақтида етарли даражада тарғиб қилиш,



тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

2022 йил, 1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичини бошладилар. Бу икки ташкилот ўртасида тузилган битимга кўра 2022-2025 йилларда Ўзбекистоннинг яшил сиёсатини амалга ошириш ва уни самарадорлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Бунинг учун Европа технологияларини Ўзбекистоннинг экологик жихатдан оғир минтақаларида жойлаштириш мақсадида 7 миллион евро маблағ ажратилиши тўғрисида келишиб олинди. Ана шу тарзда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ҳамкорлиги тобора чуқурлашиб бормоқда.

Европа Иттифоқининг хавфли чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, хавфли чиқиндиларнинг таҳдиди, улар келтирадиган муҳим зарарлар олдини олишнинг Германия, Франция, Австрия, Швеция ва бошқа давлатларда самарали фойдаланиётган технологияларни Марказий Осиёда қуриш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, “Атроф-муҳит ва хавфсизлик” дастури асосида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда уран казиб олишдан келиб чиқадиган хавфли чиқиндиларни утилизация қилишнинг янги технологияларини жорий этиш мақсадида шу соҳада ишлаётган мутахассислар учун ўқув курсларини ташкил этиш, турли қўлланмалар тайёрлаш, маслаҳатлар бериш, жамоатчилик билан ишлаш, кенг аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш орқали жамиятда экология маданиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилади.

Европа Иттифоқи бу борада халқаро атом энергиясидан фойдаланиш (МАГАТЭ) раҳбарияти билан келишган ҳолда уран ишлаб чиқарадиган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш дастурини ишлаб чиқди.

Европа Иттифоқи ташаббуси билан экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича минтақавий музокаралар олиб борилмоқда. Музокаралар доирасининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли муаммо ҳам музокараларнинг муҳим мавзуси қилиб олинган. Чунки иқлим ўзгариши бир давлат муаммоси эмас. У бутун минтақа, балки ундан ҳам кенгроқ глобал миқёсни тақозо қиладиган умумдунёвий муаммо ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, глобал озиқ-овқат танқислиги муаммосининг олдини олиш, шу асосда умумсайёравий барқарор тараққиётни таъминлаш зарурати ошиб бормоқда. Европа Иттифоқи ана шу катта эҳтиёждан келиб чиқиб йилнинг тўрт фасли мукамал бўлган, энг кўп қуёш энергияси мавжуд бўлган Марказий Осиёда табиий тараққиётни таъминлашга катта эътибор бермоқда.

Марказий Осиёда иқлим ўзгариши сув ресурсларига, қишлоқ хўжалиги ва энергия манбаларига жиддий таъсир ўтказди. Сув Ўзбекистон учун асосий табиий ресурс ва тараққиётни таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш катта аҳамиятга эга. Европа Иттифоқи мутахассисларнинг хулосаларига кўра 2030-2050 йилларда Марказий Осиёда аҳоли ўсиши кузатилмоқда. Бу ўз-ўзидан сувга ва ерга бўлган эҳтиёжни оширади. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ маълумотларга кўра 10-15 йилдан кейин ҳозирги сув ресурслари эҳтиёжни қондирилмаслиги мумкин. 2050 йилга бориб Марказий Осиё минтақасида сувга бўлган эҳтиёж кескин ошади. Ўрта ва кичик дарёлар ҳамда ички сув





йўлларида муаммолар келиб чиқади.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тараққиёти билан боғлиқ узок муддатли дастурида иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш белгиланган.

Иқлим ўзгариши таҳдидларини бартараф этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш асослари, манбалари ўрганилмоқда. Жумладан, ҳаётий эҳтиёжларнинг етарли эмаслиги, инсоний ва иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги, табиий ресурсларга бўлаётган кўшимча салбий таъсирлар, мавсумий ва доимий сув етишмаслиги, энергетика танқислиги, инфраструктуранинг етарли эмаслиги, экология хизматининг самарали ташкил этилмаганлиги, биохилма-хилликни асраш тамойилларининг бузилиши, ижтимоий танглик ва айрим можароларнинг мавжудлиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги ва бошқалар.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг экология ва атроф-муҳитни асраш борасидаги узок муддатли фаолияти, бу борадаги ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жиддий табиий таҳдидлар ва хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. У янги Ўзбекистоннинг экологик сиёсати самараси сифатида кўзга ташланмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Электрон манба <http://usa.uz/07/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirzyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси электрон манба: <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirzyeevning-oliy-22-12-2017>.
4. Қаранг. Ўзбекистон овози. 2-февраль. 2022 йил.
5. Мирзиёев Ш.Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. “Ўзбекистон”. 2018. 244-бет.
6. “Адолат” СДПнинг сайловолди дастури. 2020. Жорий архив.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ахборотномаси. 2018 йил. 3-сон.
8. Қаранг. Марказий Осиёдаги етакчи манфаатдор ташки кучлар: Европа Иттифоқининг минтақадаги роли. ЖИДУ. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т.; 2010.
9. Қаранг. Экологик партиянинг Олий Мажлисга ҳисоботи. 2021 йил. Жорий архив.
10. Odum E P., 1980a Radiation ecology at Oak Rider/ In Environmental Sciences Laboratory
11. Dedication Oak Ridge, Teen., Oak. Rige National Laboratoru, pop. 53-57.
12. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда энергетикага доир алоқалар барқарорлигига қаратилган лойиҳаси расмий сайти <https://www.eeas.europa.eu/www.osce.org/secretariat/hazardouswaste-management>
13. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда иқлим ўзгариши ва хавфсизлик масалалари бўйича ENVSEC Environment & Security лойиҳаси <https://www.osce.org/ru/secretariat/332001>